

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ УЛУҒБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ОЁҚНИНГ КЕСИЛИШ ЖАРОҲАТИДА МИЯЧА ЧУВАЛЧАНГИ
АЛОҲИДА БЎЛАКЧАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.02. – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on medical
sciences**

Ахмедов Улуғбек Баходирович

Оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги
алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларини
ўрганиш 3

Ахмедов Улуғбек Баходирович

Изучение морфологических параметров отдельных долек
червя мозжечка при резаных травмах ножки..... 25

Akhmedov Ulugbek Bakhodirovich

Study of morphological parameters of individual lobules
cerebellar worm with cut leg injuries 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ УЛУҒБЕК БАҲОДИРОВИЧ

**ОЁҚНИНГ КЕСИЛИШ ЖАРОҲАТИДА МИЯЧА ЧУВАЛЧАНГИ
АЛОҲИДА БЎЛАКЧАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.02. – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib828 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исроилов Ражаббой

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Сайёра Мухаммадовна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ахмедов Шавкат Махмудович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув биносининг «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Ж. Усманов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори

КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий нейроморфологиянинг илғор муаммоларидан бири, «...бу – ташқи ва ички омиллар таъсирида марказий нерв тизими структур-функционал тузилиш қонуниятларини, унинг интегратив фаолиятини ва мутаносиблик қобилиятларини амалга оширишни ўрганиш ҳисобланади...»¹. Охириги йилларда аксарият олимларнинг кўрсатишича «...инсон танаси ҳаракатланиш тизими бузилишида миачанинг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш вазифаси муҳим ҳисобланади...»². Бу ҳақидаги тадқиқотлар асосан клиник белгиларга бағишланган, лекин бу жараёнларнинг морфологик асослари кам ўрганилган. Ҳозирги вақтга келиб оёқ ампутацияси бир қатор касалликларда амалга оширилмоқда, жумладан, «...сон артерияси эндоартритининг 47,8%да, оёқлар травматик жароҳатланишининг 42%да, сон артерияси атеросклерозининг 68%да оёқ ампутацияси бажарилади...»³. Оёқ ампутациясидан кейин марказий нерв тизимидаги оралик мия марказларида ўзгаришлар оқибатида оёқ йўқ томонда кўланка-ҳаёлат тарздаги оғриқлар пайдо бўлади. Лекин, оралик мия ядролари, миачанинг пўстлоғининг молекуляр, донатор ва ганглионар қаватлар хужайраларидаги морфологик ўзгаришлар адабиётларда кам ёритилган. Оёқ-қўллар травматик жароҳатланишларида орқа миядан келган патологик импульслар таъсирида биринчи навбатда миачанинг эски тузилмалари (archaeo-cerebellum), яъни, чувалчанг ва унинг ўрта қисми шикастланади. Бу йўналишда ўтказилган фундаментал тадқиқотларда травматологик жароҳатланишларни ҳаракатланиш маркази бўлган миача структур тузилмаларида юз берадиган ўзгаришларга боғлаб ўрганилган, натижада ҳам миачадаги, ҳам тананинг ҳаракатланишидаги ўзгаришларни бир-бирига таққослаб ва бир-бирига боғлиқлик томонлари ёритилмаган.

Жаҳонда оёқнинг кесилиш жароҳатида миача чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларни баҳолаш хусусиятларини асослашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада итларда оёқ ампутациясидан кейин ҳар хил даврларда миача чувалчанги нишаб бўлагининг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларни, ҳамда, миача чувалчанги япроқ бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат. Миача чувалчанги тилча бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таҳлил қилиш ва миача чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида

¹Баландин А. А. Количественная характеристика мозжечка и его структурных компонентов у юношей // Морфология. - СПб., 2016. - Том 149 №3М.2016.- С.27

²Березюк, М. В. Макроморфология и цитоархитектоника мозжечка диких нелетающих и одомашенных птиц // Сборник научных трудов Sworld. – 2013. – Т. 36. – № 2. – С. 44-47.

³Улугбекова, Г. Ж. Влияние ампутации конечности у собаки на изменения толщины слоёв коры мозжечка // Вестник Российского государственного медицинского университета. – 2006 – № 2.–С.69

ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври ва репаратив регенерацияни намоён қилувчи жиҳатларини таққослаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли хил жароҳлик амалиётларининг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли жароҳлик амалиётларидан кейинги мияча фаолятини асоратларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларини баҳолаш, асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика, фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, миячанинг вазни ва ҳажми ҳайвонларда бош миянинг ўртача 13,5%, жумладан, итларда 15,5% ни ташкил қилади (М.В.Березюк, 2013). Мияча юзасида 10 та бирламчи тартибдаги эгатлар мавжуд, улар асосида иккинчи ва учинчи тартибдаги жўяқлар пайдо бўлади ва мияча бир қанча бўлак ва бўлакчаларга ажралади (В.М.Астапов ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

хаммуал. 2004; С.А.Сусленко, 2009; А.Ю.Степаненко ва хаммуал, 2012; М.В.Березюк, 2013; A.Pijpers et al., 2007; Dell'Acqua F. et al., 2013). Бу бўлақлар умуртқали хайвонларнинг ҳар бирида шакли ва ўлчамлари бўйича бир-биридан фарқ қилсада, цитоархитектоникаси бўйича бир хил тузилишга эга, яъни, ўзаги оқ моддадан, юзаси кул ранг моддадан иборат. Мияча топографик жиҳатдан қадимги қисм – archicerebellum, эски – paleocerebellum, ва янги – neocerebellum дан иборат. Бу қисмлар пўстлоғи қалинлиги бир-биридан фарқ қилади (Dell'Acqua F. et al., 2013). Уйга мослашган қушлар миячаси пўстлоғи қалинлиги ўртача 234 мкмни, итларда бу кўрсаткич 326 мкмни ташкил қилади (М.В.Березюк., 2013). Каламушлар миячасининг макроскопик тузилиши, инсон миячаси билан бир хил тузилишга эга (W.Hendelman., 2006). Каламушлар мияси вазни $1,90 \pm 0,05$ г бўлса унинг 12% миячага тўғри келади (Т.В.Долгополова, 2011; О.Ю.Евсюков, 2013). Аниқланганки, инсон онтогенезида миячанинг вазни бош мия вазнига нисбатан ўзгариб боради: янги туғилган чақалоқларда 5,6%, бир ёшга тўлганда 10,6%, балоғатга етганда 11% ни ташкил қилади (D.N.Sheyan et al., 2013). Инсон миячаси вазни аёлларда $128,4 \pm 5,1$ г, эркекларда – $145,4 \pm 2,2$ г ташкил қилади. 60 ёшдан кейин мияча вазни камайиб боради (А.Б.Киладзе, 2013). Барча турдаги умуртқалилар миячасининг гистотопографияси бир хил тузилишга эга (С.С.Казакова, 2009; С.А.Сусленко., 2009; М.В.Березюк, 2013; G.Paxinos et al., 2004; A.Pijpers, 2007; R.Apps et al., 2009; J.Voogd, 2011, 2012). Каламушларда молекуляр қаватнинг қалинлиги 156-168 мкм, донадор ва ганглионар қаватлар биргаликда 200-219 мкм ташкил қилади. Қушларда бу аналогик кўрсаткичлар бироз фарқ қилади: молекуляр қават 121 мкм, донадор қават -137 мкм ва ганглионар–15 мкм (М.В.Березюк, 2013). Нейроморфолог олимлар томонидан сут эмизувчи хайвонлардан чўчка, ит, қуён, уй қушлари, йирик шохли молларнинг нерв тизими, яъни миячаси хужайравий таркибининг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилган (С.Н. Хохлова ва хаммуал., 2008, 2013, Д.Б. Авдеев, 2012, Н.Г. Симанова ва хаммуал., 2013, Э.Я. Буянова, 2014; Е.Г. Гилерович ва хаммуал., 2010, А.Н. Фасухутдинова ва хаммуал., 2011, А.Д. Яценко ва хаммуал., 2012, С.Г. Писалева ва хаммуал., 2012, 2013). Натижада, балиқларда мияча пўстлоғининг донадор қавати нисбатан юпқа, қушларда молекуляр қават юпқа, итларда ганглионар қават нисбатан юпқалиги аниқланди (А.Ю.Степаненко., 2010; Л.Н.Афанаскина ва хаммуал., 2012). Экзоген ва эндоген патологик таъсиротлар оқибатида мияча тўқимаси нейронлари ва глиа хужайраларида турли ўзгаришлар юз беради (Т.Ф.Емелёва., 2005; С.А.Лобанов, 2006, 2009; О.Ю.Терезанов, 2006; А.В.Данилов, 2009; О.П.Гундарова ва хаммуал., 2009; Е.В.Данилов, 2010; Т.Я.Орлянская ва хаммуал., 2011; В.Н.Ильичева, 2012). Аниқлашича, нейронлар ҳажмининг катталашishi уларнинг цитоплазмаси ҳисобига амалга ошади. Ганглионар қаватида хужайралар гетеротопияси аниқланади, Пуркинье хужайралари бир қаторликдан кўп қаторлик ҳолатга ўтади. Донадор қават хужайралари молекуляр қаватга миграцияланади, натижада ганглионар қават нейронлари орасида донадор нейронлар пайдо бўлади. Пуркинье хужайралар

кичиклашади, сиртки кўриниши, ядро ва цитоплазма чегаралари ноаниқлашади.

Ўзбекистонда турли орган тизимларнинг морфологик кўрсаткичларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (С.М.Ахмедова, 2017; Н.Б.Зокирова, 2018; М.Х.Рахматова, 2018; М.Т.Юлдашева, 2019), бироқ, оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларини тўлиқ ўрганилмаган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, одам ва бир қатор сут эмизувчилар миячаси гистоархитектоникаси ва гистоморфометрияси ўрганилганига қарамадан, итларнинг мияча чувалчанги тўқимасининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари кам ўрганилган. Шу билан бирга, бу ўрганилган ҳайвонлар миячасида ёшга қараб, ҳар хил экологик таъсиротлар натижасида макроструктура даражасида аъзонинг вазни, ҳажми, ўлчамлари ўзгарганлиги, микроскопик жиҳатдан ҳам умумий гистоархитектоникаси, қатламларининг қалинлиги, ҳужайралар таркиби, сони ва зичлиги ўзгариб бориши кузатилди. Лекин, итлар мияча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлаклари тўқимасида орқа оёқ ампутациясидан кейин ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларининг морфологик асослари деярли ўрганилмаганлиги тасдиқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон Давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 005. 01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзуси доирасида (2014-2018) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади итларда орқа оёқ ампутациясидан кейин динамикада мияча чувалчанги нишаб, япроқ, тилча (declive, folium, uvila) бўлакчаларида қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

итларда оёқ ампутациясидан кейин ҳар хил даврларда мияча чувалчанги нишаб бўлагининг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш;

мияча чувалчанги япроқ бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш;

мияча чувалчанги тилча бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таҳлил қилиш;

мияча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври ва репаратив регенерацияни намоён қилувчи жиҳатларини таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 30 та етилган итларда орқа оёқ ампутацияси ўтказилгандан кейин миёча чувалчанги олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба ҳайвонларда орқа оёқ ампутациясидан кейин миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида юз берадиган репаратив жараёнларининг морфологик белгиларини таҳлил қилиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда морфологик, морфометрик, травматик жароҳатланишни моделлаштириш, микроскопик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

итларда оёқ ампутациясидан кейин ҳар хил даврларда миёча чувалчанги нишаб бўлагининг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришлар баҳоланган;

миёча чувалчанги япроқ бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар тўлдирилган;

миёча чувалчанги тилча бўлаги тўқимасининг оёқ ампутациясига жавобан морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таҳлил қилинган;

миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври ва репаратив регенерацияни намоён қилувчи жиҳатларнинг асл моҳияти очилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

итларда оёқ ампутациясидан кейин ҳар хил даврларда миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларининг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш тартиби очиқ берилган;

миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври асосланган;

тажрибадаги итлар орқа оёғи ампутациясидан кейинги 7-90-кунлари миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакчалари ганглионар қавати морфометрик кўрсаткичлари тажриба динамикасида сезиларли даражада ўзгариши, нишаб бўлакчада Пуркинъе нейронлар сони 9,8 ва 8,2 га ошгани, япроқ бўлакчада қават қалинлиги 50,3 ва 49,6 мкмгача камайганлиги, тилча бўлагига эса нейрон диаметри 38,6 дан 51,6 мкмгача тикланганлиги баҳоланган.

миёча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакчалари молекуляр қавати морфометрик кўрсаткичларида ҳам тажриба динамикасида сезиларли даражадаги ўзгаришлар молекуляр қават қалинлиги бир хиллиги, нейронлар сонигаги ўзгаришлар ташкил қилганлиги баҳоланган;

репаратив регенерацияни намоён қилувчи жараёнлар ҳақидаги маълумотлар травматологияда оёқ ампутациясидан кейин касалларнинг реабилитация даврида травматологлар томонидан инобатга олиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфология, морфометрия, ёруғлик микроскопия ва статистик усуллар асосида оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларни баҳолаш бўйича натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти мияча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларида ривожланадиган қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври ва репаратив регенерацияни намоён қилувчи жараёнлар ҳақидаги маълумотлар травматологияда оёқ ампутациясидан кейин касалларнинг реабилитация даврида врач травматологлар томонидан инобатга олиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти итларда оёқ ампутациясидан кейин ҳар хил даврларда мияча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакларининг қайта тикланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш тартиби ва ўзгаришларнинг пайдо бўлиш даври амалиётда оёқ ампутациясидан кейин мияча морфофункционал ҳолатига эътибор бериш тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар:

«Оёқ ампутациясидан сўнг мияча чувалчанги тилча (uvula) бўлагининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 8н-д/86-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ампутация опреацияларни бошидан кечирган беморларга, асоратлари кучайишига йўл қўймаслик мақсадида зарурий назорат ўрнатилиши ва беморларнинг шифокорлар томонидан берилган тавсияларни тўлиқ бажаришларни таъминлашга қаратилган кўрсатмалар бериш имконини берган;

Оёқнинг кесилиш жароҳатида мияча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 07 августдаги 8н-з/98-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мия чувалчанги тилча бўлакча ганглионар, молекуляр ва донадор қаватлари морфометрик кўрсаткичлари тажриба динамикасида сезиларли даражада, яъни ганглионар қават тажрибани 21-қунида нейронлар 4,3 та, қават қалинлиги 45,6 мкм,

нейрон диаметри 32,4 мкм бўлса, 90-кунда мос равишда 7,3; 55,7 мкм, 51,6 мкмни ташкил қилди; молекуляр қават мос равишда 191,7 мкм, 75 та, 6,6 мкм, 7,8 мкм; 90-кунда – 192,7 мкм, 78 та, 8,2 мкм, 10,5 мкмни, донали қавати мос равишда– 142,4 мкм, 4673,5 та, 8,4 мкм, 11,6 мкм, 9,4 мкм; 90-кунда – 120,4 мкм, 4122,6 та, 8,2 мкм, 9,7 мкм, 6,6 мкмни ташкил қилиши беморларда касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг патогенетик усуллари ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жаъми 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инсон ва умуртқали ҳайвонлар миёча пўстлоғининг гистоморфологиясининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлили баён қилинган. Унда инсон ва умуртқали ҳайвонларнинг миёча пўстлоғининг гистоморфологияси ва гистоморфометриясига бағишланган материаллари кенг қамровли тартибда ёритилган. Инсон ва умуртқали ҳайвонлар миёча пўстлоғининг турли жароҳатланишлардан кейинги операция даврида ва ундан кейинги даврдаги тикланиши ва морфологик ўзгаришларнинг ўзига хос белгилари борасидаги замонавий ҳолати ҳақида маълумот келтирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Оёқнинг кесилиш жароҳатида миёча чувалчанги алоҳида бўлакчаларининг морфологик параметрларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари ёритилган. Тадқиқот материали сифатида 30 та 9 кгдан 15 кг гача

бўлган зотсиз итлар олиниб, икки гуруҳга бўлинди. 5 та хайвон назорат гуруҳи учун (1-гуруҳ), 2-тажриба гуруҳи 25 та итларда Н.И. Пироговнинг уч лаҳзали усулида ўнг орқа оёқ ампутацияси ўрта бўғим даражасида ўказилди. Тажриба (эксперимент) бошланишидан олдин 4-6 кун давомида итларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг ҳаёт фаолияти кузатилди. Ундан кейин итлар операция қилинди. Ампутация қилинган хайвонлар 7 кундан – 90 кунгача кузатилди. Барча хайвонларда ампутация Н.И. Пирогов усули бўйича қатъий асептик шароитда ўнг орқа оёқнинг тўмтоқ чўлтоғини ёпиб қўйиш билан уч босқичли юмшоқ тўқималарни конус шаклда кесиш орқали бажарилди. Бунинг учун итларнинг ўнг орқа оёғи жундан тозаланди, кейин эса операциядан ярим соат олдин тери остига 1% гексенал ёки тиопентал натрий эритмаси хайвон тана вазнига қараб юборилди.

Йирингли-яллиғланиш жараённинг олдини олиш мақсадида операциядан кейин 5 кун давомида кунига 500 000 бирлик (ЕД) да пенициллин мушак ичига юборилди. Яра чоклари 7-8 кунлари олиб ташланди. Яранинг битиши бирламчи чандиқланиш билан ўтди. Хайвонлар қонсизлантириш йўли билан ўлдирилди.

Хайвоннинг ўлимидан сўнг дарҳол тери, тери ости тўқималари, апоневроз, олд ва орқа тери мускуллари очилиб, Кохер қисқичлари бош суяк тепа соҳасида кўндаланг йўналиш бўйича ўрнатилди, ундан кейин пешона, чакка ва энса мускуллар ишлов беришга мосланади. Бош чаноғи тепа суяги думалоқ йўналишда араланди, сўнгра бош суяк кесилган жой енгил зарба билан очилади. Кейинги босқичда қаттиқ мия қобиғи очилди ва эҳтиёткорлик билан бош суяк тозаланди, кейин мия бош суяк бўшлиғидан чиқарилди. Миячани чиқариш учун Флексиг усули қўлланилди. Мия пастга қилиб қўйилди: пешона қисми очилган жойдан чапда жойлашган. Чап қўл кафти ярим шарда жойлашиб, кесиш пайтида мияни бир ҳолатда ушлаб туради. Ампутация қиладиган ёки мия пичоғи билан пешона соҳаси ва унинг бўшлиқларидан бошлаб горизонтал кесилди, бу мия асосидан тахминан 4 см баландликда ҳар иккала ярим шарларни кесиб ўтади. Бу баландликда пичоқ тиғи секцион столининг юзасида параллел ушланиб, мия чакка қисмининг ўртасигача кесилади. Кейинчалик пичоқ нафақат орқага йўналтирилиб бурчак остида киритилади, балки юқорига кесилиб, у энса соҳасининг юқори қисмига киритилади.

Шундай қилиб, чувалчанг ва мияча шикастланмайди. Кесик қисқа аррали ҳаракатда бўлади, пичоқ учи ҳар доим мияни тўлиқ кесилиши учун унинг тўқималарида эмас, миядан ташқарида туради.

Морфологик текширув усуллари. Бош мия чаноғидан миячани ажратиб олиш учун дастлаб тери ва мушак қопламаларини қайчи билан кесиб олиб ташланди ва бош мия чаноқ суяги очилди. Бош чаноқ суягини стоматологлар бор машинасида пешонасидан то энса қисмигача кесилиб очилди. Кейин мия қаттиқ ва юмшоқ пардалари қайчи билан кесилиб очилди ва мияча бош мия билан биргаликда ажратиб олинди ва мияча юмшоқ пардасининг ҳолати баҳоланди. Мияча тўлиқ ҳолда 10 %ли нейтралланган формалинда қотирилди, 48 соат ўтиб мияча тўқимаси қотгандан кейин, унинг

пўстлоқ қаватидан нишаб, япроқ ва тилча бўлакчалари соҳаси кесиб олинди. Бу бўлакчалар тўқимаси оқ ва кулранг моддаси гистологик кесмага тўлиқ тушиши учун горизантал ҳолда парафинли блокларга жойлаштирилди. Парафинли ғиштчалардан санний микротомда қалинлиги 5-6 мкмликдаги кесмалар олинди ва ишчи шиша тахталарга жойлаштирилиб, депарафинлангандан кейин гематоксилин-эозин бўёғида бўялди. Бу парафинли ғиштчалардан яна кесмалар тайёрланиб, нейронлар цитоплазмасидаги хроматофил моддалари Ниссл усулида бўялиб аниқланди.

Морфометрик текширув усуллари. Морфометрик тадқиқот Г.Г. Автандилов (1990) усули бўйича мияча пўстлоқ қаватининг қалинлиги, қаватлар бўйича 1 мм^2 нейронлар миқдори, қаватлар бўйича нейроцитлар ядроси диаметри, қаватлар бўйича нейроцитлар кенглигини аниқлаш бўйича олиб борилди. Мияча чувалчанги пўстлоқ қаватининг қалинлиги, баландлиги, нейроцитлар кенглиги ва нейроцитлар орасидаги масофани ўлчаш 7- окуляр, 20 объективда МОВ-1-16х окуляр-микрометр ёрдамида олиб борилди.

МОВ-1-16х окуляр микрометр ёрдамида Ниссл усули бўйича бўялган микропрепаратлар нерв хужайралари ҳажмини қаватлар бўйича яъни хужайра узунлигида қўлланувчи катта диаметр; унга перпендикуляр ҳолатда кенглиги учун қўлланилган энг катта қават аниқланди. Фақатгина ушбу фронтал қисмдаги ядро ва ядрочаларга эга бўлган нейроцитлар ўлчовга тортилди.

Ундан ташқари, кўришнинг 10 та соҳасидаги ҳар бир кузатишда морфометрик усул нейронлар тақсимланишининг нисбий зичлиги 1 мм^2 кесик майдонидаги нейронлар сонини аниқлади. Ўлчов мияча чувалчанги нишаб, япроқ ва тилча бўлакчаларидан олинган препаратларда 10х окуляр ва 20 объектив билан амалга оширилди.

Дори воситалари (препаратлар)ни ўрганишда хужайра реакцияси характери, уларнинг тузилиши, хроматолиз, лизис ва бошқалар аниқланди. Олинган маълумотлар расмга олинди ва тадқиқот баённомасига киритилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Итлар мияча чувалчанги нишаб бўлагидида оёқ ампутациясидан кейин динамикада морфологик ўзгаришлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида тажрибада олиб борилган морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари келтирилган.

Итлар орқа оёғи ампутациясидан кейин динамикада мияча чувалчанги нишаб бўлағи пўстлоғида бошқа бўлакларидаги каби тажрибанинг илк даврларида дисциркулятор ва шиш жараёнлари ривожланиб, оралик моддада ҳар хил катталиқдаги вакуолаларни пайдо қилади. Тажрибанинг 30-кунига келиб, бу деструктив жараёнлар сўниб, камайиб бошлайди, ўрнига компенсатор ва ўрин тўлдириш жараёнига хос ўзгаришлар ривожланиб бошлаганлиги кузатилди. 60- ва 90-кунларига келиб барча қаватларида нейронлар гипертрофияланиб, гиперхромазияга учраганлиги, оралик моддада

толали тузилмалар кўпайиб, эозинофил бўялганлиги ва глиал ҳужайраларнинг кўпайишидан тарқоқ ҳолдаги глиоз ривожланганлиги кузатилди.

Таҷрибанинг бошланғич даврларида мияча тўқимасининг оралик моддасида шиш ва деструкция кучли бўлганлигидан, авваламбор ганглионар қават Пуркинье нейронлари сийраклашади, ноаниқ шаклга киради, айримлари бужмайиб кариопикнозга учраганлиги кузатилади. 21-кунга келиб бу турдаги шиш ва деструкция ўзгаришлар молекуляр қаватга ҳам кенг тарқалганлиги, натижада оралик модда титилиб, фрагментацияланганлиги аниқланади. Бу қаватнинг саватсимон нейронлари кескин ўзгаришга учраб, бужмайганлиги, юлдузсимон нейронлар эса атрофида шиш кучли бўлгани билан ўз гистоструктурасини сақлаб қолганлиги кузатилади. Таҷрибанинг 30-кунига келиб мияча тўқимасида шиш ва деструкция жараёнлари камайиб борганлиги кузатилади. Бу даврда нерв ҳужайраларида мосланиш ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос ўзгаришлар ривожланиб бошлайди ва таҷрибанинг охириги даврларига келиб деярлик барча қатламларида компенсатор жараёнлар авж олади. Пуркинье нейронлари ҳам цитоплазмаси, ҳам ядроси гипертрофияланиб, толалари қалинлашади. Молекуляр қаватда асосан юлдузсимон нейронлар гипертрофияга учрайди. Донали қаватда эса нейронлар билан бир вақтда оралик модда толалари ҳам қалинлашади.

Морфометрик ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, мияча чувалчанги нишаб бўлаги қатламларидан ганглионар қават қалинлиги назорат гуруҳи ҳайвонлари миячасида $42,6 \pm 0,74$ мкмни, орқа оёқ ампутациясидан кейинги 7-кунда тўқимада дисциркуляция ва шиш жараёни ривожланиши ҳисобига $50,7 \pm 0,65$ мкмгача қалинлашганлиги, таҷрибанинг 30-кунига келиб, бу қаватда шиш ва деструкция ўзгаришларининг камайиши ҳисобига $41,3 \pm 0,48$ мкмгача юпқалашганлиги, таҷрибанинг охириги даврларига келиб, бу қатлам структур бирликларида компенсатор жараёнларнинг авж олиши кузатилди ва таҷрибанинг 90-кунда $48,6 \pm 1,23$ мкм, яъни меёрдагидан ҳам қалин тортганлиги кузатилди (1-жадвалга қаранг). Шу ўзгаришларга монанд равишда ганглионар қаватдаги нейронлар сони ҳам мутаносиб равишда ўзгариб борганлиги кузатилди. Агар назорат гуруҳида нейронлар сони $9,6 \pm 0,7$ тани ташкил қилган бўлса, таҷрибанинг бошланғич ва ўрта даврларида икки баробар камайганлиги, таҷрибанинг охириги даврида яна қайтадан кўпайганлиги $8,2 \pm 0,7$ тагача етганлиги аниқланди.

Ганглионар қават Пуркинье ҳужайралар ўлчами, яъни ҳужайранинг кенг диаметри ва кичик диаметри деярлик бир хил даражада ўзгариб борганлиги кузатилди. Бу нейронларнинг ўлчамлари таҷрибанинг бошланғич даврларида шиш ва деструктив ўзгаришлар таъсирида бужмайиб кичиклашиб борганлиги, таҷрибанинг охириги даврларида катталашиб, хатто назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ҳам катталашганлиги, яъни 90-кунда нейроннинг кенг диаметри $46,6 \pm 3,23$ мкмгача, катталашганлиги кўрилди.

Пуркинье нейрон ядро диаметри назорат гуруҳида $19,3 \pm 1,4$ мкмни ташкил қилган бўлса, таҷрибанинг 21-кунда кариопикнозга учраши, яъни

16,7±1,8 мкмгача кичиклашганлиги, 90-кунига келиб назорат гуруҳидагидан ҳам катта, 21,5±2,2 мкмгача етганлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Итлар орқа оёғи ампутациясидан кейин динамикада мияча чувалчанги нишаб бўлаги пўстлоғи ганглионар қаватининг морфометрик кўрсаткичлари

Тажриба кунлари	40х объектда хужайралар сони	Ганглионар қават қалинлиги, мкм	Пуркинье хужайра кенг диаметри, мкм	Пуркинье хужайра кичик диаметри, мкм	Пуркинье хужайра ядроси диаметри, мкм	Ядро – цитоплазма матик нисбат
Назорат	9,8±0,7	42,6±0,74	38,6±2,6	28,7±1,8	19,3±1,4	0,5
7	5,2±0,4	50,7±0,65*	35,2±1,8	22,4±1,6*	17,4±1,3*	0,49
21	3,7±0,5	53,3±0,57*	30,4±1,7	20,8±1,4*	16,7±1,8*	0,54
30	5,4±0,3	41,3±0,48	34,7±2,4	24,3±1,9	18,5±1,5	0,53
60	6,5±0,6	42,4±1,12**	38,7±2,8	31,5±2,5**	20,4±2,4**	0,52
90	8,2±0,7	45,2±1,23	46,6±3,23	35,6±2,7	21,5±2,2	0,46

*- $P \leq 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиқ даражаси

** - $P \leq 0,01$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиқ даражаси

Молекуляр қават қалинлиги назорат гуруҳида 185,2± 4,3 мкмни ташкил қилган бўлса, тажрибанинг 7- ва 21-кунда тўқимада шиш ва деструктив ўзгаришлар ривожланиши оқибатида кескин қалинлашганлиги, яъни 21-кунда 192,5±4,8 мкмга етганлиги аниқланди. Тажрибанинг кейинги даврларида тўқимадаги шиш ва деструктив ўзгаришлар сўнгандан кейин, бу қаватнинг қалинлиги ҳам орқага қайтиб, назорат гуруҳи кўрсаткичига яқинлашди ва 90-кунда бироз қалинлигича (190,5±6,4) қолганлиги аниқланди. Бу қатламдаги нейронлар сони назорат гуруҳида 84±6тани ташкил қилган бўлса, тажрибанинг илк даврларида хужайралари сийраклашиб, бу қатламдаги нейронлар сони тажрибанинг 21-кунига келиб 72±3 тага камайганлиги кузатилди (2-жадвалга қаранг). Тажрибанинг охириги даврларида нерв тўқимасида шиш ва деструктив ўзгаришлар сўниши оқибатида нейронлар жойланиши яна зичлашиб, сони 82±3тага етади. Бу қатламга хос нейронлардан саватсимон хужайралар диаметри юлдузсимон нейронлар диаметрига нисбатан кичикроқ, яъни назорат гуруҳида ўртача 7,2±1,4мкмга тенг бўлди. Тажрибанинг бошланғич даврларида оралик тўқимадаги шиш ҳисобига бужмайиб, ўлчамлари кичиклашади ва 21-кунда 6,3±2,1 мкмга тенглиги кузатилди. Тажрибанинг охириги кунларига келиб, яъни 90-кунда бу нейрон ядроси диаметри 7,8±2,8 мкмгача катталашганлиги аниқланди. Худди шу ўзгаришларга монанд ҳолда бу қаватнинг юлдузсимон нейронлари диаметри ҳам тажрибанинг бошланғич даврларида кичиклашиб,

90-кунга келиб назорат гуруҳи кўрсаткичидан ($9,5 \pm 2,6$) анча йириклашганлиги ва ўртача $10,2 \pm 1,7$ мкмга етганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Итлар орқа оёғи ампутациясидан кейин динамикада мияча чувалчанги нишаб бўлаги пўстлоғи молекуляр қаватининг морфометрик кўрсаткичлари

кун	Молекуляр қават қалинлиги, мкм	40x Хужайралар сони	Саватсимон хужайра ядроси диаметри, мкм	Юлдузсимон хужайра ядроси диаметри, мкм
назорат	$185,2 \pm 4,3$	84 ± 6	$7,2 \pm 1,4$	$9,5 \pm 2,6$
7	$190,4 \pm 4,3^*$	74 ± 4	$6,8 \pm 1,5^*$	$9,2 \pm 2,4^*$
21	$192,5 \pm 4,8^*$	72 ± 3	$6,3 \pm 2,1^*$	$8,3 \pm 1,7^*$
30	$181,8 \pm 5,6$	75 ± 3	$6,7 \pm 2,4$	$8,6 \pm 2,5$
60	$184,8 \pm 5,9^{**}$	77 ± 4	$7,1 \pm 2,5^{**}$	$9,6 \pm 1,6^{**}$
90	$190,5 \pm 6,4^{**}$	82 ± 3	$7,8 \pm 2,8$	$10,2 \pm 1,7^{**}$

*- $P \leq 0,01$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиқ даражаси

** - $P \leq 0,001$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилиқ кўрсаткичи

Донали қаватда ҳар доимгидек нейронлар зич ва кўп сонли кўринишда жойлашган ва назорат гуруҳида бу қаватнинг қалинлиги ўртача $124,6 \pm 4,3$ мкмга тенг. Текширувнинг 7-кунида юқорида кўрсатилганидек оралик тўқимада шиш ривожланганлигидан $131,3 \pm 4,2$ мкмгача қалинлашди.

Тажрибанинг 21-кунида яна ҳам қалинлашганлиги, $140,2 \pm 5,4$ мкмга етганлиги аниқланди. 90-кунда бу қаватнинг қалинлиги назорат гуруҳи кўрсаткичигача юқулашганлиги кузатилди. Донали қаватда жойлашган нейронлар сони микроскопнинг 40 объектив майдонида назорат гуруҳида ўртача $5754,8 \pm 14,6$ та саналди. Тажрибанинг 21-кунида оралик тўқима шиши ҳисобига хужайралар титилиб, сийраклашиб, уларнинг сони ўртача $4675,5 \pm 10,8$ гача камаяди (3-жадвалга қаранг).

Тажрибанинг кейинги даврларида хужайралар сони кўпайиб бориши, 90-кунда $5643,6 \pm 8,5$ гача етганлиги аниқланади. Бу қават нейронлари ядролари диаметри ўлчанганда шу ҳолат аниқландики, назорат гуруҳида донатор нейрон ядроси $7,4 \pm 0,8$ мкм, юлдузсимон нейрон ядроси бироз йирикроқ, яъни $9,6 \pm 0,9$ мкм ва горизонтал нейронлар ядроси $8,5 \pm 0,7$ мкмга тенг бўлди. Тажрибанинг 7-кунида оралик тўқимада шиш ривожланиши оқибатида бу нейронларнинг ядроси бироз сиқилиб, кичиклашади, лекин тажрибанинг охириги даврларига келиб ядроларнинг гипертрофияланиши ва гиперхромазияланиши ҳисобига, уларнинг диаметри ҳам катталашади, ҳар бир нейронга мос равишда $8,0 \pm 0,5$, $11,5 \pm 0,8$, $8,9 \pm 0,9$ мкмни ташкил қилади. Бунда эътиборни нейронлардан юлдузсимон нейрон ядроси бошқаларига нисбатан кўпроқ катталашганлиги кузатилади.

**Итлар орқа оёғи ампутациясидан кейин динамикада мияча чувалчанги
нишаб бўлаги пўстлоғи донали қаватининг морфометрик
кўрсаткичлари**


Кунлар	Донали қават қалинлиги	Донадор қават хужайралар сони, бир объектда х40	Донадор хужайра ядроси диаметри, мкм	Юлдузсимон хужайра ядроси диаметри, мкм	Горизантал хужайра ядроси диаметри, мкм
Назорат	124,6±4,3	5754,8±14,6	7,4±0,8	9,6±0,9	8,5±0,7
7	131,3±4,2*	5325,6±11,8*	7,2±0,6*	9,2±0,6*	8,3±0,5*
21	140,2±5,4	4675,5±10,8	7,3±0,4	8,8±0,8	8,4±0,5
30	141,4±4,6**	5134,6±9,5**	7,0±0,5**	9,2±0,9**	8,6±0,6**
60	130,5±3,2	5456,4±8,12	8,1±0,6	9,5±0,8	8,7±0,7
90	126,2±3,3**	5643,6±8,5**	8,0±0,5**	11,5±0,8**	8,9±0,9**

*- $P \leq 0,01$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси


**- $P \leq 0,001$ назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик кўрсаткичи

Диссертациянинг «Итлар мияча чувалчанги япроқ бўлагида оёқ ампутациясидан кейин динамикада морфологик ўзгаришлар» деб номланган тўртинчи бобида мияча чувалчанги япроқ бўлакчасида тажрибанинг 7-кунида ампутация жароҳати таъсирида энг кучли дисциркулятор ва деструктив ўзгаришлар ганглионар қаватда ривожланганлиги кузатилди. Натижада Пуркинъе нейронлари бужмайиб, ўлчамлари кичиклашиб, цитоплазмаси ҳамда ядроси гиперхромазияга учраганлиги кузатилди. Бунда, бу қаватнинг глиал хужайралари цитоплазмаси кучли шиш ҳисобига вакуоллашган, айримлари ёрилиб, ядроси кариопикнозга учраган. Бу даврда мияча чувалчанги пўстлоғининг донали ва молекуляр қаватлари нисбатан кам ўзгарган. Тажрибанинг 21-кунига келиб мияча чувалчанги япроқ бўлакчаси пўстлоғидаги дисциркулятор ва шишли жараёнлар ганглионар қаватидан молекуляр қаватига тарқалганлиги кузатилади. Бунда шиш дастлаб ганглионар хужайраларнинг молекуляр қаватида кенг тармоқланган дендрит толалари бўйлаб тарқалганлиги, кейин эса бу қаватнинг хужайралари оралиғидаги толали тўқимасига, бу қаватнинг саватсимон ва юлдузсимон хужайралари атрофига тарқалганлиги аниқланади. Бу қаватнинг саватсимон хужайралари цитоплазмасида шиш ривожланганлиги аниқланади, юлдузсимон хужайралар атрофида эса шиш йўқ, лекин толалари ва атрофидаги толали тўқима шишга учраб,

вакуоллашганлиги кузатилади. Тажрибанинг 30-кунларига келиб миёча чувалчанги япроқ бўлаги пўстлоғининг ганглионар қаватидаги шиш жараёни донали қаватига ҳам тарқалганлиги кузатилади. Микроскопнинг 100 объективида донали қават кўрилганда, ундаги шиш жараёни ва шиш таъсирида ҳужайра ва оралиқ модда тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларни яна ҳам аниқ ва дифференциалланган ҳолда кўриш мумкин. Шиш жараёни авваламбор оралиқ толали тузилмаларни титиб, парчалаб, бетартиб жойлаштирган. Натижада бу қаватнинг ҳужайралари ҳам титилган ва сийраклашганлигини кўрсатди. Бу қаватнинг энг сон жиҳатдан кўп бўлган донадор ҳужайралари цитоплазмаси шишга учраган, ядроси бироз катталашиб, ундаги гетерохроматин сийраклашган, майда-майда гематоксилинли доначалар кўринишини олган. Айрим ҳужайраларда кариолиз ҳолати ривожланганлиги аниқланади. Бу қаватнинг юлдузсимон ҳужайралари цитоплазмаси шишганлиги ва ядросининг гипертрофияланганлиги ҳисобига ҳажми катталашган. Уларнинг ядролари донадор ҳужайралар ядроларига нисбатан ҳам йирик, ҳам очроқ бўлган, айримлари ловия шаклига кирган. Тадқиқотнинг 90-кунига келиб миёча чувалчанги япроқ бўлаги пўстлоғининг барча қатламларида шиш ва деструктив ўзгаришлар батомом йўқолганлиги кузатилади. Тажрибанинг охириги даврига келиб мослашув ва ўрин тўлдириш жараёнларига хос морфологик ўзгаришлар барча қаватларни эгаллаганлиги аниқланади. Асосан Пуркинье ҳужайраларининг гипертрофияланиши, цитоплазмаси оқсилли моддаларга бойиб, тўқ эозинофил бўялиши, ядроси гипертрофияланиб, хроматинининг кўпайиши ва ядрочасининг пайдо бўлиши кузатилади (1-расмга қаранг). Гистокимёвий усулида, яъни, Ниссл усулида бўялганда ганглионар нейронлар цитоплазмасида хроматофил модда миқдори кўпайганлиги кузатилди (2-расмга қаранг).



1-расм. Оёқ ампутациясидан кейин 90-кун. Миёча чувалчанги япроқ бўлаги пўстлоғи, Пуркинье ҳужайралар йириклашган (1), толалари қалинлашган, глиал ҳужайралар (2) кўпайган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40.



2-расм. Оёқ ампутациясидан кейин 90-кун. Миёча чувалчанги япроқ бўлаги пўстлоғи барча қаватлари нейронларида хроматофил модданинг кўпайиши. Бўёқ: Ниссл усули. X: 10x40.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида миёча чувалчанги япроқ бўлакчаси пўстлоқ қавати структур бирликларини морфометрик усулда ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики ўзгаришлар ганглионар қаватдан бошланиши кузатилди. Бунда ганглионар қават қалинлиги назорат гуруҳида 42,6 мкм бўлса, текширувнинг 21-кунида 50,3 мкмгача қалинлашди, 30-кунда яна юпқалашиб, 90-кунда 52,7 мкмгача қалинлашди, бу қалинлашишнинг сабаби нейронлар ва глиал хужайраларнинг гипертрофияланишига боғлиқлиги аниқланди. Бу қаватдаги Пуркинье нейронлари сони назорат гуруҳида бир объективда ўртача 9,6 та саналади. Тадқиқотнинг дастлабки кунларида миё тўқимасида кучли шиш ва деструктив ўзгаришларда Пуркинье нейронлар сони сийраклашиш ҳисобига кескин камаяди. 30-кундан бошлаб яна зичлашиш ҳисобига кўпайиб бошлайди ва 90-кунга келиб ўртача 8,8 тани ташкил қилади. Пуркинье нейронлар диаметрида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Назорат гуруҳида бу нейрон диаметри ўртача 38,6 мкм бўлса, текширувнинг илк даврларида 30,2 мкмгача кичиклашганлиги, 60- ва 90-кунларга келиб, бу нейронларнинг кучли гипертрофияланишидан 49,6 мкмгача катталашганлиги аниқланади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Итлар орқа оёғи ампутациясидан кейин миёча чувалчанги япроқ бўлаги пўстлоғи ганглионар қаватининг морфометрик кўрсаткичлари

Тажриба кунлари	40x объектда хужайралар сони	Ганглионар қават қалинлиги, мкм	Пуркинье хужайра кенг диаметри, мкм	Пуркинье хужайра кичик диаметри, мкм	Пуркинье хужайра ядроси диаметри, мкм	Ядро – цитоплазматик нисбат
Назорат	9,6±0,7	42,6±0,74	38,6±2,6	28,7±1,8	19,3±1,4	0,67
7	6,4±0,4	48,7±0,65*	32,5±1,8*	21,6±1,6	16,4±1,3*	0,75
